

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЙДАРОВ БАХТИЁРЖОН АБДУХАМИДОВИЧ

**СУВ ТАНҚИСЛИГИ ШАРОИТИДА МИНЕРАЛЛАШГАН СУВЛАР
БИЛАН ҒЎЗАНИ СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик.

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of the abstract of (PhD)doctoral dissertation of
agricultural sciences**

Ҳайдаров Бахтиёржон Абдухамидович

Сув танқислиги шароитида минераллашган сувлар билан ғўзани
суғориш технологиясини такомиллаштириш..... 3

Ҳайдаров Бахтиёржон Абдухамидович

Совершенствование технологии орошения хлопчатника
минерализованными водами в условиях нехватки воды 21

Haydarov Bakhtiyorjon Abdukhamidovich

Improvement of irrigation technology of cotton with mineralized..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЙДАРОВ БАХТИЁРЖОН АБДУХАМИДОВИЧ

**СУВ ТАНҚИСЛИГИ ШАРОИТИДА МИНЕРАЛЛАШГАН СУВЛАР
БИЛАН ҒЎЗАНИ СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик.

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Qx 87 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент давлат аграр университетидан бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.cottonagro.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот таълим портали www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исаев Сабиржан Хусанбаевич,
қишлоқ хўжалик фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Исашев Анваржон,
қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор.

Хасанов Мақсуд Марифович
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгашнинг “___” _____ 2019 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й, ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: g.selek@agro.uz)

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани Ботаника М.Ф.Й, ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2019 йил “___” _____ да тарқатилди.

(2019 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Н.Нурматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

Ф.М.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., катта илмий ходим

Д.Х.Ахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда сув ресурслари захираси чекланган бўлиб, ундан оқилона фойдаланишни тақоза этмоқда. Ер усти сувлари манбалари захирасидан самарали фойдаланиш мақсадида кўпгина мамлакатларда қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун ер ости сувларини ишлатиш даражаси кенгайиб бормоқда. Ҳиндистонда умумий суғориладиган экин майдонларининг 66 фоизи ер ости сувлари улушига тўғри келади. Саудия Арабистони ва Ливанда ер ости сувлари асосий экин майдонларини суғориш учун ягона манба ҳисобланади. Италияда ўн минглаб гектар экин майдонлари ер ости сувлари билан суғорилади¹. Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда нафақат республикамизда балки дунё бўйича суғориш сувларини тежаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Дунёда қишлоқ хўжалигида чучук сув тақчиллиги шароитида экинларни илмий асосланган суғориш технологиялари ва тартибларини қўллаш, қўшимча сув манбаси сифатида коллектор-зовур сувларидан ҳамда чиқинди сувлардан фойдаланиш орқали дарё сувларини тежаш имконияти яратилмоқда. Сув ресурслари тақчиллиги экинлар ҳосилдорлиги ва унинг сифатига ўз таъсирини сезиларли даражада кўрсатмоқда. Шу жиҳатдан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида интенсификация усулларни, энг аввало, сув танқислигида ғўзанинг сув тежовчи технологиясини янада такомиллаштириш орқали сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни такомиллаштиришда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича изланишлар долзарб ҳисобланади.

Республикамизда бугунги кунда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда томчилатиб, эгатга плёнка тўшаб ва ўқариқлар ўрнига кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш технологиялари кенг жорий этилмоқда. Бунинг натижасида суғориш сувлари тежалиши, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши, сизот сувларининг сатҳи яқин жойлашган майдонлар камайиши ва провардида ҳосилдорликнинг ошишига эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг 3.3 бандида “...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсификация усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни қўллаш” муҳим вазифалардан бири қилиб белгилаб берилган². Шу жиҳатдан, республикамизда ғўзани минераллашган сувлар билан суғоришда сув тежовчи технологиясини янада такомиллаштириш орқали суғориш сувларини тежаш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича илмий изланишлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрдаги “2018–2019 йиллар даврида ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-3405-сонли,

¹<http://www.fao.org/docrep/018/i17928ri17928r024.pdf>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 февралдаги “2018 йил мавсумида экин майдонларини сув билан кафолатли таъминлаш ва сув танқислигини салбий оқибатларининг олдини олишга қаратилган кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари тўғрисида”ги 74-сонли қарорлари ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4997-сонли фармониға мувофиқ тасдиқланган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ҳамда бошқа меъерий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалға оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизнинг суғорма деҳқончилигида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш усуллари, тартиблари, техника ва технологияларининг тупроқнинг сув-физик хоссаларига, озиқа тартибига, ўсимликларнинг ўсиб-ривожланиши, ҳосилдорлиги ва унинг сифатига таъсирини ўрганиш бўйича С.Н.Рыжов, М.П.Меднис, Р.Ахмедов, С.А.Гильдиев, Ф.М.Саттаров, Қ.М.Мирзажонов, Н.Ф.Беспалов, Г.А.Безбородов, Б.Ф.Камбаров, Р.К.Икрамов, М.Х.Хамидов, А.Э.Авлиякулов, Б.Мамбетназаров, А.С.Шамсиев, С.Х.Исаев, Ж.Шадманов, М.Ҳасанов, Ш.Қодиров, М.Эсанбеков, Х.Лапасов ҳамда хорижда D.Balla, S.Maasen, J.Andersson, B.Wedding, K.Toderski, K.M.Keinzler, A.S.Qureshi, M.Qadir, U.Umbetaev, V.P.Afanasev, V.G.Mamatov, Sh.T.Kidane, T.L.Danilova, J.P.Melkulova, V.V.Stuchkov каби олимлар томонидан кенг қамровли тадқиқотлар амалға оширилган.

Лекин, Фарғона вилоятининг ўтлоқи соз тупроқлари шароитида ғўза навларини минераллашган сувлар билан эгатлаб, эгат оралатиб суғориш технологияларини ишлаб чиқиш ва мазкур суғориш технологияларининг ғўза навларининг ўсиб-ривожланиши ва пахта ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш бўйича етарлича илмий изланишлар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-7-014-“Ўзгарувчан иқлим шароитида тупроқнинг чўлга айланишини тўхтатиш, ҳосилдорлигини тиклаш ва ошириш технологиясини ишлаб чиқиш” (2015–2017 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Фарғона вилоятининг ўтлоқи соз тупроқлари шароитида ғўзанинг С-6524, “Андижон-35” ҳамда “Андижон-36” навларини минераллашган сувлар билан ҳар бир эгатдан ва эгат оралатиб суғориш агротехнологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўтлоқи соз тупроқлар шароитида минераллашган сувлар билан ҳар эгатдан ва эгат оралатиб суғориш технологиясининг С-6524, “Андижон-35” ва

“Андижон-36” ғўза навларининг суғориш тартибларига таъсирини аниқлаш;

минераллашган сувлар билан ҳар эгатдан ва эгат оралатиб суғоришда сув тежовчи технологиясининг тупроқ агрофизикавий, сув-физик ва агрокимёвий хоссалари ва ғўза навларига таъсирини аниқлаш;

минераллашган сувлар билан ҳар эгатдан ва эгат оралатиб суғориш сув тежовчи технологияларининг ғўза навларининг кўчат қалинлигига, ўсиб-ривожланишига таъсирини аниқлаш;

минераллашган сувлар билан ҳар эгатдан ва эгат оралатиб суғориш сув тежовчи технологияларининг ғўза навларининг ҳосилдорлиги ва пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

минераллашган сувлар билан ғўза навларини ҳар эгатдан ва эгат оралатиб суғориш технологияларининг самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, ўтлоқ соз, механик таркиби бўйича енгил кумоқ тупроқлар, минераллашган сувлар ҳамда ғўзанинг С-6524, “Андижон-35” ва “Андижон-36” навлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ер устидан ҳар бир эгатдан ва эгат оралатиб суғориш технологиялари, ғўза навларини суғориш тартиби ва сув истеъмоли, тупроқнинг сув-физик хоссалари, сизот сувлари сатҳининг ўзгариши, ғўзанинг ўсиб-ривожланиши, ҳосилдорлиги, пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала тажрибаларини жойлаштириш ва барча ўлчов, кузатув ва ҳисоблашлар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, тупроқ ва ўсимлик таркибидаги озика-моддлар миқдорини аниқлаш бўйича таҳлиллар “Методы агрохимических и агрофизических исследований в поливных хлопковых районах” услубий кўлланмалари асосида амалга оширилган. Тадқиқотлардан олинган маълумотлар Б.А. Доспеховнинг “Методика полевого опыта” манбасидаги дисперсион таҳлил услуби ҳамда SPSS (Statistical Package for Social Science) компьютер дастури ёрдамида математик-статистик таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор Фарғона вилоятининг суғориладиган, шўрланишга мойил, ўтлоқи соз, енгил кумоқ тупроқлари шароитида С-6524, “Андижон-35” ва “Андижон-36” ғўза навларини минераллашган сувлар билан ҳар эгатдан ва эгат оралатиб суғориш технологияси такомиллаштирилган;

С-6524, “Андижон-35” ва “Андижон-36” ғўза навларининг ҳар эгатдан ва эгат оралатиб суғориш технологияларининг тупроқнинг агрофизикавий, сув-физик ва агрокимёвий хоссаларига таъсири аниқланган;

сув тежовчи ҳар эгатдан ва эгат оралатиб суғориш технологиясини ғўза навларининг суғориш муддатлари, меъёрлари ҳамда сув истеъмолига таъсири аниқланган;

сув тежовчи ҳар эгатдан ва эгат оралатиб суғориш технологиясининг С-6524, “Андижон-35” ва “Андижон-36” ғўза навларининг ўсиб-ривожланиши, ҳосилдорлиги ва пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичларига таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Фарғона вилоятининг суғориладиган, шўрланишга мойил, ўтлоқи соз, енгил қумоқ тупроқларида ғўзанинг С-6524, “Андижон-35” ва “Андижон-36” ғўза навларини минераллашган сувлар билан эгат оралатиб суғориш технологияси қўлланилганда, ишлаб чиқаришда қабул қилинган эгатлаб суғориш технологияси қўлланилган вариантларга нисбатан ҳажм масса 0,01–0,03 г/см³ камайиб, тупроқнинг ғоваклиги эса 0,4–1,2 фоизгача, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги эса 5,8–24,6 м³/га гача ортган;

ғўзанинг “Андижон-36” навини парваришда суғоришнинг эгат оралатиб суғориш технологияси қўлланилганда бошқа суғориш (ишлаб чиқаришда қабул қилинган ҳамда эгатлаб суғориш) технологиялари қўлланилган вариантларга нисбатан 1,2–5,6 центнер қўшимча пахта ҳосили олишга, сифат кўрсаткичларидан тола узунлиги 0,1–0,3 фоизгача, тола чиқиши 0,2–0,9 фоизгача, 1000 дона чигит вази 1–3 граммгача ортган, вилт касаллиги билан зарарланиш даражаси эса 6,1–10 фоизгача кам бўлди.

ғўзанинг “Андижон-36” навини парваришда минераллашган сувлар билан эгат оралатиб суғориш технологияси қўлланилган вариантда бошқа суғориш технологияси (ишлаб чиқаришда қабул қилинган ҳамда эгатлаб суғориш) ёрдамида парваришланганга нисбатан соф фойда 40617-1127853 сўмгача ва рентабеллик даражаси 0,8–20,1 фоизгача юқори бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория усулларидадан фойдаланган ҳолда вариацион-статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларни амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажриба натижалари республика ва чет эл тадқиқотлари билан таққосланганлиги, тўпланган маълумотлар, ҳисоботлар Илмий кенгашларда муҳокама қилиниб, мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларини Республика ва халқаро илмий анжуманларда қилинган маърузалар натижаларининг ишончлилигини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иқлим ўзгаришида тобора ошиб бораётган сув танқислигининг салбий оқибатларини камайтириш, дарё сувларини тежашга янгидан илмий ёндашиб, Фарғона вилоятининг суғориладиган, шўрланишга мойил, ўтлоқи соз тупроқлари шароитида ғўзанинг С-6524, “Андижон-35” ва “Андижон-36” навларини эгатлаб, эгат оралатиб суғориш усулининг такомиллашган сувтежамкор технологиясининг ғўза навларининг ўсиб-ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Фарғона вилоятининг суғориладиган, шўрланишга мойил, сизот сувлари сатҳи 2,0 метр, ўтлоқи соз тупроқлари шароитида дарё сувларини тежаш, суғориш сувининг сарфини камайтириш мақсадида ғўзанинг С-6524, “Андижон-35” ва “Андижон-36” навларини парваришда минераллашганлик даражаси 3 г/л гача бўлган коллектр-зовур сувлари билан суғорилиши натижасида дарё сувларини 10 %

гача иқтисод қилиниб, пировардида фермер хўжаликларида рентабеллик даражаси 15-20 фоизга ошганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фарғона вилоятининг ўтлоқи соз тупроқлари шароитида ғўза навларини ер устидан эгатлаб, эгат оралатиб суғориш усулининг такомиллашган сув тежамкор технологиясини такомиллаштириш бўйича тадқиқот натижалари асосида:

пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун “Сув танқислигини юмшатишда коллектор ва зовур сувлари билан ғўзани суғориш” бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 24 сентябрдаги 02/023-244-сонли маълумотномаси). Мазкур тавсиянома Фарғона вилояти шароитида кўп тармоқли фермер хўжаликларида ғўзани минераллашган сувлар билан суғоришда қўлланма сифатида хизмат қилган;

Фарғона вилоятининг ўтлоқи соз тупроқлари шароитида ғўзанинг С-6524, “Андижон-35” ва “Андижон-36” навларини маъданли ўғитлар билан гектарига N-200, P₂O-140, K₂O-100 кг меъёрда озиклантириш ва минераллашганлик даражаси 3 г/л гача бўлган сувлар билан тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60% тартибда эгат оралатиб суғориш технологияси жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 24 сентябрдаги 02/023-244-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида ғўзани ўсув даврида 1-1-1 тизимда 3 марта суғорилган, мавсумий суғориш меъёри гектарига 2900 м³ ва пахта ҳосилдорлиги 28,0 – 31,3 центнерни ташкил этган;

Фарғона вилоятининг ўтлоқи соз тупроқлари шароитида ғўзанинг С-6524, “Андижон-35” ва “Андижон-36” навларини тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60% тартибда суғориш ва гектарига N-200, P-140, K-100 кг меъёрда маъдан ўғитлар қўллаш технологияси Данғара туманидаги “Ҳайдаров Сатторали”, “Сирдарё мўъжизаси”, “Оқжар данғара зийнати”, “Бегматов Наримон” ва “Заминдор иқболи” фермер хўжаликларида 122,9 гектар пахта майдонларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 24 сентябрдаги 02/023-244-сонли маълумотномаси). Натижада суғориш сувлари 10 фоизгача тежалган, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи ошган, рентабеллик даражаси 15–20 фоизни ташкил этган ва гектаридан 3,0 центнергача қўшимча пахта ҳосили олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ЎзҚХИИЧМ ва Тошкент давлат аграр университети томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, ҳисоботлар ТошДАУнинг илмий ва услубий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларида 7 марта маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий мақола чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Сувнинг ўсимлик ҳаётидаги ўрни, ғўзани суғориш ва озиклантириш тартиби, ғўзани ер устидан суғориш технологиялари бўйича олиб борилган маҳаллий ва хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар шарҳи батафсил ёритилган. Шу билан бир қаторда, илмий манбалардан хулосалар қилиниб, тадқиқотлар олдида қўйилган мақсад ва вазифалар, республикамиз ҳамда дунёда сув ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш, сувнинг ўсимлик ҳаётидаги ўрни, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги асосий экинлардан бири бўлган ғўзанинг илмий асосланган суғориш тартиби ва уни амалга оширадиган суғориш техникаси элементлари, ер устидан эгатлаб суғоришнинг сувтежамкор технологиялари, уларнинг дарё сувларини тежаши, тупроқнинг сув-физик хоссалари ва озуқа тартибларига ҳамда ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири бўйича олимлар томонидан олиб борилган тадқиқот натижалари таҳлил қилинган. Адабиётлар шарҳининг сўнгги саҳифасида ғўза навларини етиштиришда илмий асосланган суғориш тартибини, ер устидан суғориш технологиялари эгатлаб, эгат оралатиб суғориш технологияларининг самарадорлигини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш зарурлиги таъкидланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш услублари ва шароити”** деб номланган иккинчи бобида тажриба ўтказилган Фарғона вилоятининг географик ўрни, рельефи, иқлим шароити, геоморфологик, геологик ва гидрогеологик шароитлари, тупроқ-мелиоратив ҳолати шароитларида суғориладиган ер майдонларининг тупроқлари ўтлоқи соз тупроқлар минтақасининг лёссли ва пролювиал ётқизикларидан ташкил топган текисликлари геоморфологик районида тарқалиб, турли литологик, гидрогеологик ва тупроқ-иқлим шароитларида ривожланганлиги бўйича таҳлиллари келтирилган.

Тадқиқот ўтказиш услублари, тажриба тизими, тажрибада қўлланилган агротехник тадбирлар ҳамда ғўза навларининг биологик тавсифлари келтирилган.

Фарғона вилояти Данғара туманидаги “Ҳайдаров Сатторали” фермер хўжалиги далаларидан тупроқ намуналари олиб ўтказилган таҳлилларда, ўтлоқи соз, механик таркиби енгил кумоқ, сизот сувлари сатҳи 2,0 м чуқурликда жойлашганлиги, ҳайдов (0–30 см) қатламдаги гумус миқдори–0,808%, умумий азот–0,074%, фосфор–0,099%, 30–50 см ли қатламда эса гумус–0,685, умумий азот–0,059 ва фосфор–0,084 фоизни ташкил этди.

Ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларидаги нитратли азот миқдори 1 кг тупроқда 3,44–4,72 мг, ҳаракатчан фосфор 21,56–33,48 ва алмашинувчан калий 220–204 мг/кг ни ташкил қилган. Демак, тажриба даласининг ҳайдов қатлами ҳаракатчан шаклдаги азот билан жуда кам таъминланган, ҳаракатчан фосфор ҳамда алмашинувчи калий билан ўртача даражада таъминланганлиги аниқланган.

Диссертация иши бўйича дала тажрибалари 2015–2017 йилларда Фарғона вилояти Данғара туманидаги “Ҳайдаров Сатторали” фермер хўжалигининг даласида ўтказилган. Тажриба 9 та вариантдан иборат бўлиб, 4 та қайтариқда такрорланган. Вариантлар бир ярусда жойлашган, битта пайкал (делянка)нинг майдони 480 м² ни ташкил этиши баён қилинган.

Дала тажрибалари Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий–тадқиқот институтида қабул қилинган “Методы проведения опытов с хлопчатником” (Ташкент, 1983), агрохимёвий хоссаларини таҳлил қилиш “Методы агрохимических анализов почв и растений” (Ташкент, 1977), тупроқнинг агрофизикавий хоссаларини таҳлил қилиш “Методы агрофизических исследований” (Ташкент, 1973), “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (Тошкент, 2007) қўлланмалари асосида олиб борилган. Агрохимёвий таҳлилларни олиб боришда тажриба даласида конверт шаклида 1–1,5 метргача тупроқ кесмалари (разрез) қазилиб, генетик қатламлардан тупроқ намуналари олинганлиги ва тупроқдаги гумус миқдори И.В.Тюрин, азот ва фосфорнинг умумий миқдорлари А.Ф.Гриценко, И.М.Мальцева ўзгартириши билан, нитратли азот миқдори Грандвальд-Ляжу, ҳаракатчан фосфор миқдори Б.П.Мачигин усулида аниқланганлиги, тупроқнинг ҳажм массаси (С.Н.Рыжов) цилиндр усулида, структураси И.В.Саввинов усулида аниқланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот натижалари”** деб номланган учинчи бобида тажриба даласи тупроғининг морфологик тавсифи, механик таркиби, агрохимёвий ва агрофизик тавсифи, уч йил давомида олиб борилган тадқиқотларнинг ғўзанинг С-6524, “Андижон-35” ва “Андижон-36” навларини ер устидан эгатлаб суғориш усулининг такомиллашган сувтежамкор технологиясини қўллаб, ЧДНСга нисбатан 70-70-60% тартибда суғорилганда тупроқ намлиги, мавсумий сув меъёри, сизот сувлари сатҳи, тупроқдаги озуқа моддалари, кўчат қалинлиги, ғўзанинг ўсиб-ривожланиши, ҳосилдорлиги, пахта толасининг сифат кўрсаткичларининг ортишига олиб келувчи самарали сувтежамкор технологияси тадбирлари эканлиги исботланган.


Тажриба даласи тупроғининг чекланган дала нам сиғими 0–50 см қатламда тупроқнинг мутлоқ куруқ массасига нисбатан 20,3–20,9 %, 0–70 см қатламда 20,6–21,4 % ни ва тупроқнинг 0–100 см қатламида 21,0–21,8 % ни ташкил этди.

Тажриба даласининг ҳажм массаси тажриба қўйишдан олдин ҳамда амал даврининг охирида барча вариантларда аниқланган.

Тажрибанинг биринчи йили (2015 йил) амал даври бошида тупроқнинг ҳажм массаси 0–30 см қатламда 1,27 г/см³, 0–50 см қатламда 1,29 г/см³, 0–100 см қатламда 1,30 г/см³ ни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич амал даври охирига келиб, С-6524 навини ЧНДС сиғимига нисбатан 70-70-60% тартибда суғорилиб, маъданли ўғитлар билан N-200, P-140, K-100 кг/га қўлланилган ишлаб чиқаришда қабул қилинган суғоришнинг 1-вариантида юқоридаги қатламларда 1,37; 1,40; 1,44 г/см³, С-6524 навини эгатлаб суғоришнинг 2-вариантида 1,35; 1,39; 1,42 г/см³, эгат оралатиб суғоришнинг 3-вариантида эса 1,34; 1,38; 1,40 г/см³ ни ташкил қилган

Амал даврининг охирига келиб, агротехник тадбирларни ўтказилиши, суғориш сувлари натижасида тупроқнинг ҳажм массаси ортган. “Андижон-35” ва “Андижон-36” навлари экилган вариантларда ва тажрибанинг кейинги йиллари ҳам ушбу қонуниятлар сақланиб қолган.


Вўза навларини парваришlashда қўлланилган агротехник тадбирлар, суғоришлар амалга оширилганда тупроқ ҳажм массасининг вегетация охирига келиб барча вариантларда ошиши кузатилди. Бу эса ўз навбатида тупроқнинг сув-физик ҳолатининг яхшиланишида оптимал ер устидан суғориш технологиясини тўғри қўлланилишини кўрсатади (1-расм).



1-Расм. Вўза навларини минераллашган сувлар билан суғориш технологияларини тупроқнинг ҳажм массасига таъсири, г/см³ (Вўзанинг амал даври бошида ва охирида, 2015)

Тажрибада тупроқнинг ғоваклиги кўрсаткичлари баҳорда ҳайдов (0–30 см) қатламида 51,2 фоизни, 30–50 см ҳайдов ости қатламида 50,4 % ни ташкил этган бўлса, вегетация даври охирида тупроқнинг 0–30 ва 0–50 см қатламларида тупроқнинг ғоваклиги ғўза эгатлаб суғорилган 1, 4, 7-вариантларда 47,3–46,2; 47,3–46,5 ва 47,7–46,9 %, ғўзани эгатлаб суғорилган 2, 5, 8-вариантларда 48,1–46,5; 47,7–46,9 ва 48,1–47,3 %, ғўзани эгат оралатиб суғорилган 3, 6, 9-вариантларда мос равишда 48,5–46,9; 48,5–47,7 ва 48,5–48,1 фоизни ташкил қилган.

Шунингдек, тупроқнинг 0–100 см қатламида тупроқнинг ғоваклиги 44,6; 45,4 ва 46,2 % (1,4,7-вар.), 45,4; 46,2 ва 46,9 % (2,5,8-вар), 46,2; 46,9 ва 47,3% (3,6,9-вар) га тенг бўлганлиги кузатилиб, дастлабки ҳолатга нисбатан мос равишда 3,8–5,4; 3,1–4,6 ва 2,7–3,8 % гача камайганлиги аниқланган (2-расм).



2-Расм. Ғўза навларини минераллашган сувлар билан суғориш технологияларини тупроқнинг ғоваклигига таъсири, %. (ғўзанинг амал даври бошида ва охирида, 2015)

Тажрибада тупроқ ғоваклигининг нисбатан юқорирак (0,4–1,2 %) кўрсаткичи ғўзани эгат оралатиб суғорилган (3, 6, 9-вар.) вариантларда кузатилган. Буни ушбу вариантларда эгат оралатиб суғориш меъёрларини кам бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги тупроқ гронулометриқ таркиби ва кимёвий хоссасига, унинг структура ҳолатига, зичлиги, ғоваклиги, намлиги ҳамда намланиш давомийлигига боғлиқ. Сув ўтказувчанлик оғир механик гранулометриқ таркибли тупроқларда ҳамиша енгил таркибли тупроқларга нисбатан паст бўлади. Сув ўтказувчанлик вақт бирлиги ичида тупроқ кўндаланг кесим юзаси орқали ўтадиган сув ҳажмига боғлиқ равишда ўзгаради. 2015 йил ўсув давридаги суғоришлар ва уларнинг меъёрлари ҳамда қатор ораларида ишлайдиган техникаларнинг ўтишлари тупроқнинг зичлашишига олиб келганлиги натижасида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги кузда камайган ва ғўза эгатлаб суғорилган 2, 5 ва 8 вариантларда 831,1-847,8 м³/га, ғўзани эгат оралатиб суғорилган 3, 6 ва 9 вариантларда 843,4-856,1 м³/га ва ишлаб чиқариш

шароитида қабул қилинган усулда суғорилган 1, 4 ва 7 вариантларда 818,8-835,3 м³/га ни ташкил этган.

Сувнинг тупроққа сингиш тезлиги ғўза эгатлаб (назорат) суғорилган 1, 4 ва 7 вариантларда биринчи соатда 0,78–0,87 мм/мин. га тенг бўлган бўлса, олтинчи соатга келиб 0,10–0,12 мм/мин. га, ғўзани эгатлаб суғорилган 2, 5 ва 8 вариантларда мос равишда 0,85–0,96 ва 0,10–0,12 мм/мин., ғўзани эгат оралатиб суғорилган 3,6 ва 9 вариантларда эса, 0,82–0,85 ва 0,12–0,14 мм/мин. га тенг бўлди.

Вегетация бошида тупроқнинг 0–100 см қатламдаги намлик захираси 21,0 % бўлган бўлса, охирига келиб, ғўза эгатлаб суғорилган вариантда тупроқнинг 0–100 см қатламида намлик 14,7–12,7 фоизни, ғўзани эгат оралатиб суғорилган вариантда 14,9–12,8 % ва ишлаб чиқариш шароитида қабул қилинган шароитда суғорилган вариантларда 14,8–12,6 % га тенг бўлган. Ғўзани вегетация даврида суғоришда белгиланган суғориш олди тупроқ намлиги тартибига тўлиқ рию қилинди ва йўл қўйилган ҳатолик 0,6–0,7 фоиздан ошмади.


Олиб борилган илмий тадқиқот натижаларига кўра, тупроқнинг суғориш олди намлиги ЧДНС га нисбатан 70–70–60 % бўлганда ғўзанинг С-6524 нави 1, 2, 3-вариантлар, ғўзанинг “Андижон-35” нави 4,5,6 вариантлар, ғўзанинг “Андижон-36” нави 7, 8 ва 9-вариантларда амал даврида уч марта суғориш 1-1-1 тизимида ўтказилган бўлиб, суғориш олди тупроқ намлиги 68,2–72,0 фоизга тенг бўлганда суғорилган.

Ғўзани эгат оралатиб суғорилган 3, 6 ва 9-вариантларда тупроқ намлигини чекланган дала нам сиғимига нисбатан 70–70–60 % атрофида сақлаб туриш учун ғўзани вегетация даврида 1-1-1 тизимда 3 марта суғориш талаб этилди. Бунда ҳар бир суғоришга 850–1150 м³/га, мавсум давомида эса 2850–2950 м³/га сув сарфланган(3-расм).

Суғоришлардан кейин сизот сувларининг сатҳи ишлаб чиқариш шароитида қабул қилинган, эгатлаб суғорилган вариантларда 11–14 см гача кўтарилгани, эгат оралатиб суғорилган вариантларда эса, ўзгаришлар деярли кузатилмаганлиги аниқланган (0–2 см). Таҷрибада ғўзани эгатлаб суғорилган 2, 5 ва 8-вариантларда суғориш меъёрларининг юқори бўлиши (850–1150 м³/га), сизот сувларининг сатҳи эгат оралатиб суғорилган 3, 6 ва 9-вариантларда (100–150 м³/га) га нисбатан кам бўлганлигини кўрсатган. Сизот сувлари сатҳининг суғоришлар ҳисобига энг кўп кўтарилиши, катта суғориш меъёрлари 900–1200 м³/га билан суғорилган ғўзанинг С-6524 нави 1, 2, 3-вариантлар 17–20 см бўлганлиги аниқланди.

2015 йил тупроқдаги гумус миқдори дастлабки миқдорига қараганда (0–30 см қатламда), назорат 1, 4 ва 7-вариантларда гумус 0,058–0,158 %, нитратли азот 8,5–8,0 мг/кг, фосфор 16,3–14,3 мг/кг, калий 90–100 мг/кг га, эгатлаб суғорилган 2, 5 ва 8-вариантларда гумус 0,040–0,036 %, нитратли азот 7,7–7,3 мг/кг, фосфорнинг ҳаракатчан формаси 14,6–14,0, калий 73–60 мг/кг га, эгат оралатиб суғорилган 3, 6 ва 9-вариантларда гумус 0,019–0,022 %, нитратли азот 9,0–8,0 мг/кг, фосфор 15,9–16,2 мг/кг, калий 89–83 мг/кг га, ғўзани ишлаб чиқариш шароитида суғорилган 1, 4 ва 7-вариантларда мос равишда 0,033–0,039 %; 6,9–6,3; 13,1–12,1 ва 63–53 мг/га га камайганлиги аниқланган. Таҷрибада

эгат оралатиб суғорилган 3, 6 ва 9-вариантларда тупрокдаги чиринди миқдори 0,014–0,021 % га яхшиланди ва қулай шароит яратилганлиги ҳисобига ғўза навлари томонидан нитратли азот 0,7–2,3, ҳаракатчан фосфор 1,3–2,8 ва алмашинувчи калийни 16–26 мг/кг га кўпроқ ўзлаштирилганлиги аниқланган.



3-расм. Мавсумий суғоришнинг пахта ҳосилдорлигига таъсири, (2015 й.)

Ғўзанинг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кўчат қалинлигини тўғри танлаш юқори ва сифатли пахта ҳосили олишни таъминлайди. Мақбул кўчат қалинлигида тупрокдаги намликдан яхши ва тўлиқ фойдаланилади, намликнинг тупроқ юзасидан буғланиб, исроф бўлиши камаяди. Шунинг эътиборига олиб, ғўза ниҳоллари тўлиқ униб чиққандан сўнг, уларда 2-3 чинбарг пайдо бўлганда яғана қилинган.

2015 йил терим олди ҳақиқий кўчат қалинлиги ғўзанинг C-6524 навини ишлаб чиқаришда қабул қилинган суғоришнинг назорат вариантда амал даври бошида кўчат қалинлиги гектарига ўртача 83,5 минг туп бўлган бўлса, амал охирига келиб бу кўрсаткич гектарига ўртача 82,3 минг тупни, шу навнинг эгатлаб суғориш вариантыда 85,7 ва 84,6 минг туп, эгат оралатиб суғориш вариантыда 86,1 ва 85,2 минг тупга, ғўзанинг “Андижон-35” навида ишлаб чиқаришда қабул қилинган суғориш назорат вариантда амал даври бошида 84,3 минг туп бўлган бўлса, амал охирига келиб кўчат қалинлиги гектарига ўртача 82,7 минг тупни, шу навни эгатлаб суғориш вариантыда 86,6 ва 84,3 минг туп, эгат оралатиб суғориш вариантыда 87,0 ва 85,3 минг тупга, ғўзанинг “Андижон-36” навида ишлаб чиқаришда қабул қилинган суғориш назорат вариантда амал даври бошида 83,1 минг туп бўлган бўлса, амал охирига келиб кўчат қалинлиги гектарига ўртача 79,8 минг тупни, шу навни эгатлаб суғориш вариантыда 85,4 ва 82,6 минг туп, эгат оралатиб суғориш вариантыда 86,1 ва 83,4 минг тупни ташкил этганлиги аниқланган.

Тажрибанинг минераллашган сувлар билан сувтежамкор суғориш технологиялари қўлланилганда ғўза навларининг ўсиб-ривожланиши ҳамда ҳосил тўплашига турлича таъсир кўрсатган.

2015 йилда ғўзанинг С-6524 навини ишлаб чиқаришда қабул қилинган суғориш (назорат) вариантыда ЧНДС га нисбатан 70-70-60 % тартибда суғорилиб, гектарига 200 кг азот, фосфор 140, калий 100 кг қўлланилганда 1 июнда бош поя баландлиги 20,2; 1 июлда 61,3; ва 1 августда 81,5 сантиметрни ташкил қилган бўлса, С-6524 навини эгатлаб суғориш вариантыда шу миқдорда ўғит қўлланилиб, ЧНДС га нисбатан 70-70-60% тартибда суғорилганда 1,9; 2,4; 3,4 см га, С-6524 навини эгат оралатиб суғориш вариантыда шу миқдорда ўғит қўлланилиб, ЧНДС га нисбатан 70-70-60% тартибда суғорилганда 2,3; 4,0; 5,6 сантиметрга суғориш технологияси ўзгарган сари ортганлиги кузатилган.

Ғўзанинг С-6524 навини ишлаб чиқаришда қабул қилинган суғориш (назорат) вариантыда 1-1-1 тизимда суғорилганда 1 августда ҳосил шохлари 9,7 донани, 5,6 дона кўсак ҳосил қилган, биринчи сентябрда жами 7,4 дона кўсак ҳосил қилиб, шундан 4,9 донаси очилган, худди шу нав эгатлаб суғориш вариантыда 1-1-1 тизимда суғорилганда юқоридаги кўсаткичлар 1,5; 0,1; 0,7; 1,8 донага, худди шу нав эгат оралатиб суғорилган вариантыда 1-1-1 тизимда суғорилганда 1,9; 0,3 2,2; 2,1 донага юқори бўлганлиги кузатилди.

Ғўзанинг “Андижон-35” ва “Андижон-36” навларида ҳам бу қонуниятлар сақланиб қолиб, энг яхши кўрсаткич ғўза эгат оралатиб суғорилган вариантларда 1-1-1 тизимда суғорилиб маъдан ўғитлар гектарига азот-200 кг, фосфор-140 кг, калий-100 кг/га қўлланилганда кузатилган.

1-сентябрда олиб борилган кузатувларда ҳам энг яхши кўрсаткичлар, суғоришлар ЧДНС га нисбатан 70-70-60 фоиз тартибда, ғўзани эгат оралатиб суғорилган 3,6 ва 9-вариантларда кузатилиб, кўсаклар сонини 9,6-10,8 дона бўлиши аниқланди. Энг кўп очилган кўсаклар сони ҳам ғўзани эгат оралатиб суғорилган 3, 6 ва 9-вариантлар (7,0-7,6) да бўлиб, ғўзани эгатлаб суғорилган 2, 5 ва 8-вариантлар (6,7-7,3) ва ишлаб чиқариш шароитида қабул қилинган тартибда суғорилган 1, 4, 7-вариантлар (4,9-5,6) да 0,3-2,1 донага кам бўлганлиги аниқланган.

Бир кўсакдаги пахтанинг вазнини аниқлаш мақсадида тажриба даласидаги барча вариантлардан ва қайтариқлардан ҳар терим олдида 100 тадан намуналар териб олинган.

2015 йил ғўзанинг С-6524 нави экилган 1, 2 ва 3-вариантларда бир кўсакдаги пахтанинг оғирлиги ўртача 3,6-3,7 граммга тенг бўлган бўлса, ғўзанинг “Андижон-36” нави экилган 7, 8 ва 9-вариантларда бу кўрсаткич 3,8-4,1 граммга тенг бўлиб, бир кўсакдаги пахтанинг оғирлиги 0,2-0,4 граммга юқори бўлган.

Тажриба йилларида минераллашган сувлар билан ишлаб чиқаришда қабул қилинган суғориш, эгатлаб ва эгат оралатиб суғориш технологияларини ғўза навларининг ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш мақсадида, ҳар бир вариантдан барча қайтариқларда 3 марта қўл терими ўтказилган. Тажрибада энг юқори ҳосил (ўртача 3 йилда) 31,3 ц/га, гектарига 86,1 минг туп кўчат қолдириб, маъдан ўғитлари билан N-200, P-140 ва K-100 кг/га меъёрида озиклантирилиб, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % тартибда ғўзани эгат оралатиб суғорилган 9-вариантда олинган бўлса, энг кам ҳосил С-6524 ғўза нави ишлаб чиқаришда қабул қилинган суғоришнинг 1

вариантида 22,4 ц/га олинган. Тажрибаларда нав ҳисобига “Андижон-35” нави (4, 5, 6 вар.) ва “Андижон-36” нави (7, 8, 9-вар.) кўшимча ҳосилдорлик 1,7–5,6 ц/га, суғориш технологиялари ҳисобига С-6524 ғўза навида (2–3 вар.) 2,1–5,6 ц/га ва “Андижон-35” ғўза навида (5–6 вар.) 1,5–4,3 ц/га га ва “Андижон-36” ғўза навида (8–9 вар.) 1,2–3,3 ц/га га юқори бўлган (1-жадвал).

1-жадвал

Турли суғориш технологияларида ғўзанинг ҳосилдорлигига таъсири, (ц/га)

| Вар | Навлар | Суғориш технологияси | Йиллар | | | Ўртача | Фарқи, ± | |
|-----|------------|--|--------|------|------|--------|--------------|------------------------|
| | | | 2015 | 2016 | 2017 | | Нав ҳисобига | Суғориш усули ҳисобига |
| 1 | С-6524 | Ишлаб чиқаришда қабул қилинган суғориш (назорат) | 22,7 | 21,8 | 22,8 | 22,4 | - | - |
| 2 | | Эгатлаб суғориш | 24,6 | 23,9 | 24,9 | 24,5 | - | 2,1 |
| 3 | | Эгат оралатиб суғориш | 27,6 | 28,1 | 28,3 | 28,0 | - | 5,6 |
| 4 | Андижон-35 | Ишлаб чиқаришда қабул қилинган суғориш (назорат) | 23,3 | 26,1 | 26,7 | 25,4 | 3,0 | - |
| 5 | | Эгатлаб суғориш | 24,4 | 28,1 | 28,2 | 26,9 | 2,4 | 1,5 |
| 6 | | Эгат оралатиб суғориш | 28,2 | 30,3 | 30,5 | 29,7 | 1,7 | 4,3 |
| 7 | Андижон-36 | Ишлаб чиқаришда қабул қилинган суғориш (назорат) | 28,0 | 27,4 | 28,6 | 28,0 | 5,6 | - |
| 8 | | Эгатлаб суғориш | 29,0 | 28,7 | 29,8 | 29,2 | 4,7 | 1,2 |
| 9 | | Эгат оралатиб суғориш | 31,1 | 30,9 | 31,8 | 31,3 | 3,3 | 3,3 |

Ғўза навлари пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичларига суғориш усуллариининг таъсири каттадир. Кенг қамровли тадқиқотлар натижаларидан маълумки, ғўзани мақбул суғориш тартиблари ва суғориш усулларида юқори ва сифатли пахта ҳосили олиш билан бирга, унинг тола сифат кўрсаткичлари ҳам яхшиланган.

Олиб борилган тажрибаларда пахта толасининг энг юқори технологик сифат кўрсаткичлари ғўза эгат оралатиб суғорилган 3, 6 ва 9-вариантларда кузатилди. Бунда тола чиқиши 36,8–37,2 %, тола узунлиги 33,6–34,0 мм, 1000 дона чигит оғирлиги 116–118 г дан иборат бўлган.

Тажрибанинг “Андижон-36” ғўза нави экилган 7, 8 ва 9-вариантларида, С-6524 нави экилган 1, 2 ва 3-вариантларга нисбатан тола чиқиши ўртача уч йилда 0,2–0,6 фоизга, тола узунлиги 0,2–0,6 мм га ва 1000 дона чигит вазни 0,2–0,6 граммга юқори бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқотда (2015 й.) С-6524 ғўза навининг ишлаб чиқаришда қабул қилинган суғориш (назорат) вариантыда солиштирма сув сарфи 47,3 м³ ни, умумий сув сарфи 213,8 м³ ни ташкил қилган ҳолда, “Андижон-36” навида бу кўрсаткичлар 70,2 ва 143,0 м³ ни ташкил этди. Эгат оралатиб суғорилган С-6524 ғўза навининг солиштирма сув сарфи 61,1 м³ ни, умумий сув сарфи 163,2 м³ ни ташкил қилган ҳолда “Андижон-36” навида бу кўрсаткичлар 71,2 ва 141,6 м³ ни ташкил қилди. Турли суғориш технологияларида ғўзанинг “Андижон-35” ва “Андижон-36” нави, С-6524 навиға нисбатан кам сув сарфлаганлиги аниқланган.

Диссертациянинг **“Ќўза навларини минераллашган сувлар ер устидан суғориш технологияларининг самарадорлиги”** деб номланган бешинчи бобида тажрибада қўлланилган агротадбирларнинг ғўзадаги иқтисодий самарадорлиги бўйича олинган маълумотлар келтирилган бўлиб, ғўзанинг С-6524, “Андижон-35” ва “Андижон-36” навларини минераллашган сувлар билан ер устидани эгатлаб суғориш технологияларига боғлиқ ҳолда иқтисодий самарадорлигини аниқлашда қўлланилган барча агротехник тадбирларга, шу жумладан суғориш ва ҳосилни йиғиб-териб олиш учун кетган сарф-ҳаражатлар инобатга олинган. Сув тежамкор технологияларни иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашда қўлланилган суғориш технологияларига боғлиқ ҳолда амалга оширилган.

Энг кам рентабеллик даражаси ғўзанинг С-6524 нави ишлаб чиқаришда қабул қилинган 1-1-1 тизимда суғорилиб, маъдан ўғитлар N-200, P-140, K-100 кг/га қўлланилган вариантдан 3 йилда ўртача пахта ҳосили гектаридан 22,4 центнерни ташкил қилган ҳолда, сотилган пахта нархи гектарига 3993248 сўмни, харажатлар эса 3856992 сўмни ташкил қилиб, бунда олинган шартли соф фойда гектаридан 136256 сўмни, рентабеллик 3,4 фоизни ташкил қилди. Худди шу навнинг эгатлаб суғориш вариантыда 1-1-1 тизимида суғорилганда шартли соф фойда 385623 сўмга, рентабеллик даражаси 8,8 фоизга ортган.

С-6524 навида энг юқори иқтисодий самарадорлик эгат оралатиб суғоришда 1-1-1 тизимда суғорилиб гектарига 200 кг азот, 140 кг фосфор ва 100 кг калий қўлланилган вариантда шартли софда 675818 сўм, рентабеллик 13,5 фоизни ташкил қилган бўлса, шунга ўхшаш тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60% тартибда эгат оралатиб 1-1-1 тизимда суғорилган, гектарига 200 кг азот, 140 кг фосфор ва 100 кг калий қўлланилган вариантда ғўзанинг “Андижон-35” навида 886401 сўм; рентабеллик даражаси 18,5 % ни, ғўзанинг “Андижон-36” навида 996134 сўм; 23,5 фоизни ташкил этди.

Вўзанинг “Андижон-36” навини парваришлашда суғоришнинг эгат оралатиб суғориш технологияси қўлланилган вариантда бошқа суғориш технологияси (ишлаб чиқаришда қабул қилинган ҳамда эгатлаб суғориш) ёрдамида парваришланганга нисбатан соф фойда 112775–859878 сўмгача ва рентабеллик даражаси 0,8–20,1 фоизгача юқори бўлганлиги аниқланган.

ХУЛОСАЛАР

1. Тупроқнинг хажм массаси амал даврининг охирига келиб, агротехник тадбирларни қўлланиши натижасида ҳайдов (0-30 см) қатламда ўзани минераллашган сувлар билан ишлаб чиқаришда қабул қилинган ҳамда эгатлаб суғориш технологияси қўлланилганда (1,35-1,37 г/см³), эгат оралатиб суғориш технологиясига нисбатан 0,01-0,03 г/см³ ортиб, тупроқнинг ғоваклиги эса 0,4-1,2 % гача камайиши, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги кўрсаткичлари эса эгатлаб суғорилган вариантларда 5,8-12,3 м³/га гача, суғоришнинг ишлаб чиқариш шароитига мос равишда ўтказилган вариантларда эса 18,2-24,6 м³/га гача кам бўлганлиги аниқланди.

2. Вўза навларини минераллашган сувлар эгат оралатиб суғориш технологияси қўлланилган вариантда мавсумий суғориш меъёри 2950 - 2850 м³/га ни ташкил этиб, бу эса бошқа суғориш технологиялари қўлланилган вариантларга нисбатан 300-500 м³/га гача кам бўлганлиги аниқланди.

3. Олиб борган илмий изланишларимизда суғоришнинг эгат оралатиб суғориш усулига нисбатан бошқа (ишлаб чиқаришда қабул қилинган ҳамда эгатлаб суғорилган) вариантларда кузга бориб барча қатламларда тупроқдаги тузлардан асосийси хлор-ион миқдори 0,007-0,018 % гача, умумий ишқор миқдори 0,003-0,005 фоизгача, сульфат миқдори 0,038-0,259 фоизгача, қуруқ қолдиқ миқдори эса 0,201-0,375 фоизгача кўпайиб борганлиги кузатилди.

4. Сизот сувлари таркибидаги тузлар миқдори хлор-иони амал даври бошидан, амал даври охирига келиб 2015 йил 0,78-1,00 %, 2016 йил 0,49-0,68%, 2017 йил 0,08-0,58% га, қуруқ қолдиқ миқдори эса амал даври бошидан амал даври охирига келиб 2015 йил 1,056-1,508%, 2016 йил 1,580-2,022 %, 2017 йил 1,620-1,930 фоизга кўпайиши маълум бўлди.

5. Вўзанинг “Андижон-36” навини парваришлашда минераллашган сувлар билан эгат оралатиб суғорилганда бошқа навларга ҳамда суғоришнинг бошқа усулларига нисбатан ҳосил шоҳи 0,4-3,0 донагача, кўсақлар сони 0,6-3,4 донагача, 1-сентябр ҳолатига кўсақларнинг очилиши эса 0,3-2,7 донагача, бир кўсақдаги пахта вазни эса 0,1-0,3 граммгача юқори бўлиши аниқланди.

6. Вўзанинг “Андижон-36” навини парваришлашда суғоришнинг эгат оралатиб суғориш технологияси қўлланилганда бошқа суғориш (ишлаб чиқаришда қабул қилинган ҳамда эгатлаб суғориш) технологиялари қўлланилганга нисбатан 1,2-5,6 центнер кўшимча пахта ҳосили олишга, сифат кўрсаткичларидан тола узунлиги 0,1-0,3 % гача, тола чиқиши 0,2-0,9 % гача, 1000 дона чигит вазни 1-3 граммгача, микронейр кўрсаткичи 0,1-0,2 гача юқори бўлиши вилт кассалиги билан зарарланиш даражаси эса 6,1-10 фоизгача камайиши маълум бўлди.

7. Ғўзанинг “Андижон-36” навини парваришда суғоришнинг эгат оралатиб суғориш технологияси қўлланилган вариантда бошқа суғориш технологияси (ишлаб чиқаришда қабул қилинган ҳамда эгатлаб суғориш) ёрдамида парваришланганга нисбатан соф фойда 40617- 1127853 сўмгача ва рентабеллик даражаси 0,8-20,1 фоизгача юқори бўлганлиги аниқланди.

8. Фарғона вилоятининг сизот сувлари сатҳи 2,0 метр бўлган, ўтлоқи соз, енгил кумоқ тупроқлари шароитида ғўзанинг С-6524, “Андижон-35” ва “Андижон-36” навларини суғориш олди тупроқ намлигини ЧДНСга нисбатан 70-70-60 % тартибда ушлаб туриш, 1-1-1 тизимда 3 марта 800-1100 м³/га меъёрда суғориш, мавсумий суғориш меъёрини 2900 м³/га етказиш, суғоришни эса дарё сувларини иқтисод қилиш мақсадида минераллашганлик даражаси 2-3 г/л гача бўлган сувлар билан амалга ошириш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.27.06.2017.Qx.42.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ
ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ХАЙДАРОВ БАХТИЁРЖАН АБДУХАМИДОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ОРОШЕНИЯ
ХЛОПЧАТНИКА МИНЕРАЛИЗОВАННЫМИ ВОДАМИ В УСЛОВИЯХ
НЕХВАТКИ ВОДЫ**

06.01.02 – Мелиорация и орошаемое земледелие

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.2.PhD/Qx 87.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.cottonagro.uz и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель:

Исаев Сабиржан Хусанбаевич

доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты:

Исашев Анваржон

доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Хасанов Мақсуд Марифович

кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация:

Научно-исследовательский институт ирригации и водных проблем

Защита состоится «_____» _____ 2019 года в _____ часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017.Qx.42.01 при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка по адресу: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, МСГ Ботаника, ул. УзПИТИ. Тел.: (+99895) 142–22–35; факс: (99871) 150–61–37; e-mail: g.selek@agro.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована №_____). адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ. Тел.: (+99895) 142–22–35; факс: (99871) 150–61–37.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2019 года

(реестр протокола рассылки №_____ от _____ 2019 года)

Ш.Н.Нурматов

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.с.х.н., профессор

Ф.М.Хасанова

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.с.х.н., старший научный сотрудник

Д.Х.Ахмедов

Председатель научного семинара по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

Введение (аннотация диссертации доктора философии PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время по всему миру наблюдается ограниченность водных ресурсов, что вызывает необходимость их рационального использования. С целью рационального использования поверхностных водных ресурсов во многих странах для сельскохозяйственных нужд все больше используются грунтовые воды. Около 66% всех орошаемых земель в Индии для орошения используют подземные воды. В Саудовской Аравии и Ливане грунтовые воды являются единственным источником орошения площадей основных культур. Десятки тысяч гектаров земель в Италии орошаются грунтовыми водами¹. Таким образом, экономное использование водных ресурсов является актуальной проблемой как в нашей республике, так и во всем мире.

В мировом сельском хозяйстве в условиях дефицита пресной воды применение научно-обоснованных методов и режима орошения, а также использование коллекторно-дренажных и сбросных вод в качестве дополнительных источников создает возможность экономии речных вод. Нехватка водных ресурсов оказывает значительное влияние на урожай и качество сельскохозяйственных культур. В связи с этим, актуальным является проведение исследований по улучшению мелиоративного состояния орошаемых земель за счет дальнейшего усовершенствования интенсивных методов в области сельскохозяйственного производства, прежде всего применения водосберегающих технологий при выращивании хлопчатника в условиях дефицита воды.

В настоящее время в Узбекистане широко применяются технологии капельного орошения, укладка плёнки в борозду и использования переносных гибких труб вместо нарезки временных оросителей. Это приводит к повышению экономии поливной воды, улучшению мелиоративного состояния земель, сокращению площадей с близким уровнем грунтовых вод и повышению урожайности культур. Одной из важнейших стратегических задач, указанных в главе 3.3 Стратегии Действий Республики Узбекистан на 2017-2021 годы является «...применение интенсивных методов в области сельскохозяйственного производства, прежде всего, современных водо- и ресурсосберегающих агротехнологий»². Поэтому, в Республике большое значение имеет проведение научных исследований по экономии оросительной воды и улучшению мелиоративного состояния орошаемых земель путем дальнейшего усовершенствования водосберегающих технологий при поливе хлопчатника минерализованной водой.

Данное исследование в определенной степени служит выполнению задач, изложенных в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3405 «О Государственной программе по развитию ирригации и улучшению

¹<http://www.fao.org/docrep/018/i17928ri17928r024.pdf>.

²Указ Президента Республики Узбекистан ПФ-4947 «О Стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года

мелиоративного состояния орошаемых земель за период 2018-2019 гг.», в указе Кабинета Министров Республики Узбекистан от 2 февраля 2018 года, за № 74 «О неотложных мерах по гарантированному обеспечению водой посевных площадей и предотвращению неблагоприятных последствий дефицита воды в период 2018 года» и в указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года за № ПУ4997 «Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», а также в других нормативно-правовых документах, связанных с выполнением этих указаний.

